



ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИ ҚЎЛЛАГАНЛИК УЧУН ИМТИЁЗ: ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси, PhD

Э.Р.Курбонов

Аннотация: мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги субъектларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий этганлик учун тақдим этилган имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда уларнинг моҳияти шунингдек, субсудия маблағларидан мақсадли фойдаланмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари таҳлил этилган ҳамда мазкур йўналишда суд амалиётидан мисоллар келтирилган.

Калим сўзлар: субсудия, имтиёз, субсудия маблағлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, солиқ имтиёзи, фермер хўжалиги, жамоатчилик назорати, субсудияни қайтариш.

Сўнги йилларда кундалик ҳаётимизда давлат томонидан турли мақсадларда ва турли жабҳаларда субсудия маблағлари ажратиладиганлиги ва уларнинг ҳуқуқий асоси яратилганлигига оид маълумотларга дуч келмоқдамиз. Хусусан, уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсудия ажратиш, тадбиркорларга чорвачилик, асаричилик, паррандачилик, балиқчилик йўналишларида ҳамда қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларини жорий этганлиги ва шунга ўхшаш бошқа йўналишларда ҳам субсудия маблағлари давлат томонидан ажратилиб келинмоқда.

СУБСИДИЯ (лот. subsidium — ёрдам, нафақа, қўллаб-қувватлаш) — давлат бюджети, мақаллий бюджетлар маблағлари ёки махсус фондлардан жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга, бошқа давлатларга бериладиган пул маблағи ёки натура шаклидаги ёрдам. Маблағлар кўринишидаги аниқ манзилли субсудиялар бевосита, солиқ ёки бошқа имтиёзларни жорий этиш билвосита субсудия деб аталади. Субсудия давлат



томонидан қайтариб олмаслик шarti билан ажратилади. Субсидиялар иқтисодиётни диверсификациялаш (таркибан ўзгартириш), экспортимпортни мувозанатлаб туриш, фантехника янгиликларини ўзлаштиришни йўлга қўйиш, миллий саноатни ўстириш, айрим ҳудудларни ривожлантириш, конверсия ва бошқа мақсадларда ажратилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида “давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади”² деб белгиланган. Худди шу мақсадда, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишини камайтириш, сув ресурсларидан оқилона, мақсадли ва тежамкор фойдаланилишини таъминлашга қаратилган, қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган қишлоқ хўжалиги субъектларига ҳам субсидиялар ажратилишини ҳуқуқий механизми жорий этилди ва амалиётда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Хусусан, 2024 йилнинг 20 август ҳолатига 304 минг гектар ер майдонда сувни тежовчи технологиялар жорий қилинди. Шундан 71 минг гектарда томчилатиб, 33 минг гектарда ёмғирлатиб, 28 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий этилди.³

Ўз фаолиятларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган фермер хўжаликларига, амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида субсидия маблағлари ажратилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ 455-сон Қарори билан тасдиқланган Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2025 — 2027

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. <https://qomus.info>.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

³ “Qishloq xo‘jaligiga suv tejovchi texnologiyalarni joriy qilish bo‘yicha amalga oshirilgan ishlar” mavzusida brifing <https://gov.uz>.

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2024 й., 07/24/455/1092-сон.



йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларида Пахта хомашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб ва дискрет суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар 8 652,7 млрд сўмни ташкил этиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ҳам юридик шахслар учун қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларини жорий этганлиги учун имтиёзлар назарда тутилган. Солиқ кодексининг 428-моддасига кўра солиқ солинмайдиган ер участкаларига, сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган ерлар — сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси асосида берилади. Агарда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4919-сонли Қарорига мувофиқ, 2021 йилдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларга сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тақдим этилиши ва сувни тежайдиган технологияларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тақдим этилиши белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, “Агробанк” АТБнинг жойлардаги филиаллари томонидан фермер хўжаликлари учун томчилатиб суғориш технологияси асбоб-ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатиш учун кредит маблағлари ажратилиб келинмоқда. Фермер хўжаликларига эса ажратилган кредит маблағларининг бир қисмини қоплаш учун, яъни сувни тежайдиган



технологияларни жорий қилганлиги учун Давлат бюджетидан белгиланган тартибда субсидия маблағлари ажратилиши йўлга қўйилган. Мазкур муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 95-сонли Қарори билан тартибга солинади.

Мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби тўлиқ шакллантирилган бўлсада бироқ, фермер хўжаликлари томонидан белгиланган тартибларга ҳар доим ҳам амал қилиб келмоқдалар деб айтиб бўлмайди.

Сувни тежайдиган суғориш технологиясини жорий қилишда давлат бюджетидан субсидия олган талабгорлар сувни тежайдиган суғориш тизимидан 5 йилдан кам бўлмаган муддатда мақсадли ва самарали фойдаланишлари шартлиги белгиланган. Мазкур талабларнинг бузилиши белгиланган тартибда ва фойдаланиш йилларига мутаносиб равишда субсидия маблағларини қайтарилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисида” Низом талабларидан келиб чиқиб жойларда амалга оширилган назорат тадбирларида томчилатиб суғориш технологиясидан тўлиқ фойдаланмаслиги ҳолатлари аниқланган. Мазкур Низомнинг 38-бандида агар жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ёки унинг асосий қисмларидан суғориш мавсумида фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланса, ажратилган субсидия қуйидагича тартибда қайтарилади:

иккинчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг 80 фоизи;

учинчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг 60 фоизи;



тўртинчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг 40 фоизи;

бешинчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг 20 фоизи.

Шундан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан субсидия маблағларини қайтариш юзасидан иқтисодий судларга даъво аризалари билан мурожаат қилмоқда.

Биргина, 2024 йилда прокуратура органлари томонидан давлат манфаатида 300.000.000 сўмдан ортиқ субсидия маблағларини қайтариш бўйича судларга даъво аризалари киритилган ва ишнинг суд муҳокамаси жараёнида фермер хўжаликлари томонидан узлуксиз равишда томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланмаганлиги ҳолатлари тўлиқ ўз исботини топганлиги учун даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган ҳамда фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланмаган йилига мутаносиб равишда субсидия маблағлари давлат фойдасига ундирилиши таъминланган.

2025 йилнинг ўтган қисқа вақт мобайнида ҳам худди шундай даъво аризалар бўйича Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди томонидан 150.000.000 сўмга яқин субсидия маблағини давлатга қайтарилиши таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғориш технологияларини жорий этганлиги учун тақдим этилган субсидия маблағларидан самарали фойдаланилиши ўз навбати улар учун бошқа имтиёзларни ҳам юзага келтиради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 428-моддасига биноан сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган ерлар — сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга мазкур ерларга нисбатан солиқ ҳисобланмайди. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органнинг ҳулосаси асосида берилади. Агарда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз



бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади

Гарчи, субсидия давлат томонидан ўз мақсад ва тушунчасига кўра қайтарилмаслик шарти билан ажратилсада, бироқ айнан қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш мақсадида ажратилган субсидия маблағлари фермер хўжаликлари томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилмаса давлатга қайтарилади.

Энг эътиборли жиҳати, мазкур ҳолатларни назорат қилиш тегишли ваколатли давлат органлари билан биргаликда жамоатчилик томонидан ҳам амалга оширилади. Жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши давлат томонидан ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилишини таъминлашнинг муҳим воситаларидан саналади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳар қандай имтиёزلардан ўз мақсадида фойдаланиш зарур акс ҳолда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тегишли тартибда тақдим этилган имтиёزلардан маҳрум этилишига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. <https://qomus.info>.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
3. “Qishloq xo‘jaligiga suv tejovchi texnologiyalarni joriy qilish bo‘yicha amalga oshirilgan ishlar” mavzusida brifing <https://gov.uz>.
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2024 й., 07/24/455/1092-сон.